

**"Тарих" ва «Ҳуқуқ» фанлари бўйича фан ойлигини
ўтказиш юзасидан методик
тавсия**

Халқимиз мустақилликка эришганидан бери ўтган йиллар Ўзбекистон тарихида мисли кўрилмаган янгиланишлар ва ўзгаришлар даври бўлди. Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида эришилаётган улкан натижалар мухтарам Президентимиз Ислон Каримов раҳбарлигида танланган мустақил тараққиёт йўлининг тўғри эканлигини кўрсатмоқда. Юртимизда тинчлик ва барқарорлик, изчил иқтисодий-ижтимоий ривожланишни таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини фаол ҳимоя қилиш, аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини ошириш каби йўналишлар суверен давлатимизнинг адолатли ва инсонпарвар ички сиёсатида доимий устувор бўлиб келмоқда. Улар сирасида жамият маънавий юксалиши ва шахс маънавий камолотига берилаётган эътиборни алоҳида таъкидлаш лозим. Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, дунёдаги биз билан тенг ривожланиш йўлини танлаган давлатлар эртанги кун эгалари бўлган ёш авлоднинг маънавий ва жисмоний камолоти – ҳунар танлаши, қобилияти ва иқтидорини эркин намоён қилиши ва янада ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратишда Ўзбекистонга тенглаша олмайди. Бу ҳақиқатни бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти ҳам чуқур эътироф этмоқда, Ўзбекистон тажрибасини ўрганишга бўлган қизиқиш ортмоқда.

Мустақиллик йиллари – халқимиз учун чиндан ҳам ўзликни англаш, маънавий-руҳий тикланиш даври бўлди. Ватанимизнинг қадим ва шонли тарихига, халқимизнинг бой маънавий ва маданий меросига бўлган муносабат ўзгарди. Бетакрор тилимиз, муқаддас динимиз, азалий қадриятлар, урф-одат ва анъаналаримизнинг ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузи қайта тикланди, донишманд аجدодларимиз хотирасига муносиб ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилди. Эрталаб уйқудан уйғонган инсон хотирасини йўқотиб қўйса, кимлигини унутса, насл-насабини эсидан чиқариб, яқинларини танимаса, бу унинг учун катта бир фожиа. Агар миллат ўзлигини унутса-чи? ...Дарҳақиқат инсониятнинг кўп минг йиллик тажрибаси шундан далолат берадики, дунёдаги зўравон ва тажовузкор кучлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб, бўйсундирмоқчи, унинг бойликларини эгалламоқчи бўлса, авваламбор, уни қуролсизлантиришга, яъни энг буюк бойлиги бўлмиш миллий қадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринади. Бунинг тасдиғини узоқ ва яқин тарихдаги кўп-кўп мисолларда яққол кўриш мумкин. “Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ” Ислон Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч (4-бет).

Дунёни маданият, маънавият, маърифат қутқаради. Жаҳон цивилизациялари тарихи бунга гувоҳ. Инсоният азал-азалдан тараққиётнинг юксак босқичи томон маънавият, маърифат орқали интилиб келган. «Бирон-бир жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай ҳамда мустақкамламай туриб ўз истиқболини тасаввур эта олмайди»¹.

Ҳар қайси миллат ёки халқнинг маънавияти унинг бугунги ҳаёти ва тақдирини, ўсиб келаётган фарзандларининг келажагини белгилашда шакл-шубҳасиз ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Шу маънода, умумтаълим муассасаларида ҳар йили анъанавий тарзда январь ойи Тарих - Давлат ва ҳуқуқ асослари фани ойлиги деб эълон қилинган.

Мазкур ойликнинг ташкил этилишидан кўзланган асосий мақсад ўқувчилар қалби, онги ва шуурида шаклланиши лозим бўлган қуйидаги омилларга хизмат қилиши назарда тутилади:

- юрт озодлиги ва оила ободлиги, турмуш фаровонлиги, тинч ва эркин ҳаётга эришиш, ҳар бир инсоннинг ўз ҳаётидан мамнун бўлиб яшаши учун мамлакатимизда барча имкониятлар, зарурий шарт-шароитларнинг мавжудлигини англаш,
- ўз Ватанининг муносиб фарзанди бўлиш, атрофдаги воқеа-ҳодисаларга лоқайд бўлмасдан, сергак туриш, уларга нисбатан ўз муносабатини билдира олиш,
- келажакка ишонч билан дадил қадам ташлаш руҳини шакллантириш,
- “оммавий маданият”нинг салбий оқибатлари миллий, умуминсоний қадриятларга зид эканлигини англаш;
- Ватанимиз тарихи жаҳон тарихининг ажралмас қисми эканлигини тушуниб етиш;
- Мустақиллик ўз-ўзидан қўлга киритилмаганлиги, у тинимсиз курашлар, уйқусиз тунлар ва жуда катта фидоийликнинг маҳсули эканлигини тушуниш ва уни қадрлаш.

Фан ойлигини ташкил қилиш режасини шакллантиришда эътиборни қуйидагиларга қаратиш тавсия этилади:

1. Вилоят методика маркази томонидан фан ойлигини ташкил этиш юзасидан намунавий режа тайёрлаш ва уни амалга ошириш чоратадбирларини ишлаб чиқиш.
2. Вилоят миқёсида барча умумтаълим муассасаларининг ижтимоий фанлар метод бирлашмалари бошлиқлари учун семинар-ўқувлар ташкил қилиш.
3. Мактабдаги тарих ва ҳуқуқ фани бўйича услубий бирлашманинг йиллик иш режасида фан ойлиги учун белгиланган фан йўналиши

¹ Ислон Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997, 137-бет.

бўйича ўтказиладиган ўн кунлик тадбирларни белгилаш, режа ва дастурларини ишлаб чиқиш.

4. Фан ойлигининг биринчи ўн кунлиги ўқувчиларнинг қишки таътил кунларига тўғри келиши муносабати билан ушбу кунларни мазмунли ташкил этиб, кейинги йилларда барпо этилаётган жамоат биноларига, жойлардаги тарих, ўлкашунослик музейларига, тарихий қадамжоларга саёҳатлар уюштириш.
5. Таътил кунларида фан билан боғлиқ турли танловларни ташкил қилиш.
6. Тарихий адабиётлар китобхонлигини, мен севган қаҳрамон каби давра суҳбатларини уюштириш.
7. Фан арбоблари, олимлар, археологлар, ҳуқуқшунослар, жойлардаги ички ишлар ва адлия идоралари ходимлари билан учрашувлар ташкил қилиш.
8. Юқори синфлар ўртасида “Энг яхши реферат тақдимоти”ни ўтказиш.
9. “Қадриятлар - маҳалладан бошланади”, “Обод маҳалла, обод оила, обод таълим муассасаси” мавзуларида иншолар танловини ташкил этиш.
10. Ота-оналар мажлисларида ички ишлар ва прокуратура ходимлари, психологлар иштирокида “Фарзандим – менинг келажагим”, “Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқий тарбияни амалга оширишнинг долзарб муаммолари” мавзусида учрашувлар ўтказиш.
11. Ойлик якунида фан ойлигининг фестивалини ташкил этиш.

Фестивални қуйидагича ташкил этиш мумкин:

Фестивалга юқори синф ўқувчиларига мамлакатимизда истиқомат қиладиган турли миллатлар (масалан; рус, корейс, тожик ва ҳ.к) номлари ёзилган карточкалар қуръа ташлаш йўли билан бўлиб берилади.

Танлов шартларини қуйидагича белгилаш мумкин:

Фото альбом тайёрлаш. Унда

- Миллатнинг ривожланиш тарихи;
- Маданияти;
- Урф-одатлари;
- Турмуш тарзи;
- Кийим-кечаги;

Танловнинг иккинчи шarti. Миллатнинг қадриятларини 10-15-дақиқали сахна чиқишлари (фольклор) орқали намойиш этиш.

Энг яхши чиқишлар ойлик сўнгида ўтказиладиган мактаб фестивалида намойиш қилинади.

Фан ойлиги давомида оммавий ахборот воситаларида, интернетнинг WEB саҳифаларида маълумотлар бериб борилади.

Вилоят, туман (шаҳар) методистлари томонидан тарих, давлат ва ҳуқуқ асослари фанини ўқитишнинг самарадорлигини оширишга қаратилган методик тавсиялар, тадбир сценарийлари, дарс ишланмалари, тест ва назорат ишлари тўпламлари тайёрланиши мақсадга мувофиқдир.

Ушбу ойлик давомида Президент Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида” номли китоби, Ўзбекистон

Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир” номли маърузасидан фойдаланган ҳолда конференциялар ташкил этиш тавсия қилинади.

Мазкур ойлик давомида Тарих ва Ҳуқуқ фани билан биргаликда “Дунё динлари тарихи” фанига алоҳида эътибор қаратиш даркор. Бунда ўқувчилар орасида “оммавий маданият”, “одам савдоси”, диний экстремизм ва миссионерликнинг олдини олишга, диний бағрикенглик ғояларига қаратилган тадбирларни ташкил қилишга алоҳида эътибор бериш тавсия этилади.

Ойлик давомида ўтказилиши лозим бўлган режадаги мавзуларни интерфаол усуллардан фойдаланган ҳолда илғор педагогик технологиялар асосида ташкил қилиш фан ойлигининг мазмун-моҳиятини, аҳамиятини оширади. Айниқса, таълим соҳасига тезкорлик билан кириб келаётган янгиликлардан хабардор бўлиб, уларни педагогик фаолиятида қўллашга эътибор қаратиш лозим.

Бугунги кунда “медиа таълим” номли тушунчанинг кириб келаётганлиги тажрибали ўқитувчилардан ушбу янгиликни амалда қўллаш имкониятини беради. Бунда мисол учун, 7-синф “Ўзбекистон тарихи” ўқув дастурининг 3-чоракдаги “Мовароуннаҳрда мустақил давлатларнинг ташкил топиши” номли бобида берилган мавзуларни ўтишда ўша даврга оид бўлган илмий-оммабоп, хужжатли фильмлардан фойдаланиш, мавзуга оид бошқа мақолаларни тўплаш, уларни таққослаш ва илмий асосланганлигини ажрата олишни ўргатиш медиа таълимнинг асосий мақсадларидан биридир. Ёки 7-синф Жаҳон тарихи фанида “Ғарбий Европа халқлари маданияти” мавзусини ўрганишда ўқучиларнинг деярли кўпгина қисми томоша қилган “100 йиллик уруш”, “Қора камон ўқи”(Робин Гуд) каби фильмларида ватанпарварлик, ўша даврдаги Англиянинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётига оид бўлган лавҳалардан фойдаланиш мумкин. Ўқитувчилар ушбу фильмларни интернет сайтлари орқали кўчириб олишлари тавсия этилади. дарс давомида фильмдан мавзуга оид лавҳа кўрсатилади ва қуйидаги жадвални тўлдириш топшириш мумкин:

Англия ҳақида дарсликда берилган маълумотлар	Англия ҳақида бадиий фильмдан олинган маълумотлар	“Қизил ва оқ атиргуллар” урушининг сабаблари	Хулоса
--	---	--	--------

Мавзу ҳақидаги билим, кўникма ва малакаларни эгаллашда кўз билан кўриб, тасаввур қилиш орқали мавзу тушунчалари тезроқ ўзлаштирилади ва узоқ вақт ўқувчилар онгида сақланиб қолади. Бу эса ўқувчиларнинг билим самарадорлигини оширишда катта омил бўлади. Шунингдек, сунъий равишда кириб келаётган “оммавий маданият”нинг салбий оқибатларидан огоҳ қилинади. Ўқувчиларда воқеаларни тарихий далиллар асосида таҳлил қилиш малакаси шаклланади.

Медия таълимда нафақат кино фильмлар балки ўқувчилар ўқиши мумкин бўлган халқ тилида “сарик пресса” деб номланадиган оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш ҳам тушунилади. Медия таълимнинг асосий вазифаси ҳам ўқувчиларда фаол фуқаролик позициясини шаклланишига замин яратишдир. Масалан, биз барча дарсларимизда Ватан сўзини кўп ишлатамиз. Лекин унинг маъно-мазмуни, кадри ва аҳамиятини баъзан сўз билан ҳам ифода этиб бўлмайди. Она юртни буюк муҳаббат билан севган, бутун ҳаётини унинг мустақиллиги, юксак тараққиёти учун бахшида этган инсонларгина Ватанни бор кўрkiю таровати, қудрати ва жозибаси билан таърифлаб бера олади.

Ватан сўзининг маъноси бугунги кунда жуда кенгайиб кетган. Аввало ватан деганда, фақат туғилган маконни эмас, ўзимиз яшаётган мамлакатни тушунамиз. Инсон туғилган, вояга етган хонадон, маҳалла, қишлоқ ва шаҳар эса Ватан ичидаги кичик Ватандир. Мазкур мавзунини тушунтиришда ўқувчиларга мунозарали саволлар билан мурожаат қилиш ҳам мумкин масалан:

ШАҲАР СОҒИНЧИ

Биринчи ҳикоя

Акмал ота-онаси билан шаҳардаги кўп қаватли бинода туришар эди. Ёз жуда иссиқ келди. Акмалнинг дадаси ёзги таътил кунларини ўтказиши учун шаҳар четидаги оромгоҳга йўлланма олиб берди. Акмални ота-онаси дам олишга кузатар эканлар, ойиси “болам, ўзингни эҳтиёт қил, озода юр, етакчиларингни гапига кулоқ сол деди”. Отаси эса уни четга чакириб, ўғлим “Сиз ўғил боласиз, ҳар қандай шароитда оғир бўлинг, тўполон қилиб юрманг, мени уялтирманг”, деб насиҳат қилди.

Оромгоҳда болалар учун барча шароитлар муҳайё, иссиқ овқат, тоза ўрин, турли мусобақалар ва ҳоказо.

Мана шанба куни ҳам келди. Акмал интизорлик билан ота-онасининг келишини кутар эди. Ота-онаси уни кўргани келганларида Акмал уйини жуда соғинганини айтди...

ҚИШЛОҒИМНИ СОҒИНДИМ

Иккинчи ҳикоя

Адҳамнинг отаси шаҳарга бир иш билан бориши зарур бўлиб қолди. Ёзги таътил кунлари бошлангани учун отаси уни ҳам “шаҳарни кўриб келасан”, – деб ўзи билан олиб кетди.

Онаси ўғлига эрталаб тандирдан узилган иссиққина нонни сумкасига солиб берар экан, “болам, ушoғини тўкиб юрманг, дадангиздан берухсат кўчага чиқманг, ўз вақтида овқатланинг”, – деб тайинлади. Адҳам билан

дадасини кузатишга чоғланган бобоси уни четга чақириб “болам шаҳарлик болалар билан урушиб юрманг, бизнинг қишлоғимизни, дадангизни уялтирадиган иш қилманг”, – деб тайинлади.

Адҳамларнинг қишлоғи шаҳардан анча узоқ ерда жойлашгани учун дадаси кўп қаватли уйлардан бир хонадонни ижарага олди. Уй замонавий жиҳозланган, сувни ҳам ташқаридан олиб келмайсан, ҳамма нарса олдингда. Пастда озиқ-овқат дўкони бор, бирор нарса керак бўлса, дарҳол олиб чиқасан, “қандай маза”, – деб ўйларди Адҳам. Отаси ваъда берганидек, улар шаҳарни диққатга сазовор жойларни айланишди. Дадаси Адҳамга роса музқаймоқ олиб берди. “Поп-корон” – сара бодирокни эса беармон еди.

Орадан бир-икки кун ўтганидан сўнг у зерика бошлади. Негадир ўз-ўзидан хомуш бўлиб қолди. Телевизордаги кўрсатувлар ҳам унга ёқмай қолди. Унинг хаёли қишлоғига бошлади.

Қишлоғининг қоқ марказидан оқиб ўтадиган зилол сувли катта ариқ, меваларининг кўплигидан тирговуч бўлмаса шоҳлари синиб кетай, деб турган олма дарахтлари, куннинг иссиғидан бошига сув қуйиш учун келганидек, сочларини ёйиб турган мажнун толлар, аяси ёпган кулчани ариқда оқизоқ қилиб ейиш учун бир-бирини қувалаб юрган болаларни, ҳаммасидан ҳам эрталабки тандирда бўрсиллаб пишаётган ноннинг исидан тортиб, қўй-қўзиларнинг маъраши-ю, қўшнинг хўрозини қичқириши, ҳовлидаги сўрида осиглик турган бедананинг сайраши-ю, ҳаттоки сомоннинг хидини соғинганини ҳис этди.

Ҳикоя асосида қўйидаги саволларга жавоб бериб кўринг.

- Ватанни тушуниш ва ҳис этиш оиладан бошланади деган жумлага таъриф бериб кўринг.
- Акмал ва Адҳам каби сиз ҳам ўз уйингизни, маҳаллангизни, шаҳрингиз ёки қишлоғингизни соғинганмисиз? Уйнинг соғинчи деганда нимани тушуниш мумкин?

Ватан – инсоннинг ғурури тимсоли. Унинг табиати, ҳавоси, одамлари инсоннинг ёшлигидан ҳар бирининг маънавиятини ошириш, яхши инсон сифатида фазилатларни шакллантиришга хизмат қилади. Ватан обод бўлса, халқ ҳам озод, Ватан равақ топса, халқ ҳам фаровон бўлади. *Инсон ўзлигини анлагани, насл-насабини чуқурроқ билгани сари юрагида **Ватанга муҳаббат туйғуси** илдиз отиб, улғая боради. Бу иддиз қанча теран бўлса, тугилиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар юксак бўлади.* Ислом Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” (90-бет).

“Ватан” мавзусини “Оқ кийимлилар кўзғолони”, “Сомонийлар давлатининг вужудга келиши”, “Ўрта Осиёлик мутафаккирлар, илм фаннинг

ривожини” каби мавзулар билан боғлаш ҳақида топшириқ бериш мумкин. “Не-не асрлардан оша ўрганиб келинаётган тарих саҳифаларини теран ҳис қилган, миллий ғурур, Ватан ишқи жўш урган ҳар бир шахс буюк ишларга қодир бўлади. Бундай одамлар юрт тинчлиги, Ватан равнақи, эл осойишталигига бефарқ қараб турмайди.” – деган хулосага келиш мумкин. Чунки тарих фани нафақат тарихий воқеалар ҳақида маълумот беради, балки ана шу воқеалар орқали ўқувчилар энг биринчи галда ватанпарварлик руҳиятини шакллантиришини унутмаслик лозим.

Ватанпарварлик ҳақида сўз юритар эканмиз, ушбу хусусият инсон ҳуқуқлари деган тушунча билан ёнма-ён келадиган бурчлари деган тушунчани ҳам ёдга солади. Асосий қонунимизнинг муқаддимасида “ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниб”, – деган жумлаларни учратамиз, “Инсон ҳуқуқлари” деган тушунча бизнинг заминимизда кеча ёки бугун пайдо бўлган эмас, балки бу тушунча бизнинг диёримизда асрлар давомида яшаб келаётган қадриятдир. Лекин бу қадрият қайси бир даврларда бир қанча тўсиқликларга учради.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган инсонпарварлик ғоялари ўтмишдаги давлатчилигимиз тараққиётида “Турк ҳоконлиги”, “Эфталлийлар”, “Сомонийлар”, “Темурийлар” даврида ҳам ўз аксини топган. Бунга биргина “Темур тузуклари”нинг ўзи яққол мисол бўла олади. Буюк соҳибқирон Амир Темур даври давлат бошқаруви ва ҳуқуқнинг ривожланишида ўзига хос янги давр бўлди. Амир Темур давлат бошқарувида ўтмишда мавжуд бўлган сиёсий бошқарув тажрибаларидан кенг фойдалана олган. Унинг тарихдаги хизматларидан яна бири шундан иборат эдики, у давлатчилик фаолиятидаги ички ва ташқи сиёсатни бошқарув фаолиятини янги тарихий шароитда такомиллаштирди. Унинг давлатида ахлоқий қадриятларнинг устунлиги ва жамоат фикрининг эътиборга олиниши ва қонун устуворлигига аҳамият берилган. Қонун олдида барча тенг ҳисобланган. Бунга мисол қилиб давлат ишларини султлаштиргани ва фуқароларга жабр етказгани учун ўғли Мироншоҳ ва набираси Халил Султон устидан олиб борилган тафтиш ишларини келтириш мумкин. Фикримизни давом эттирган ҳолда, **Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 66-моддасига мурожаат қиладиган бўлсак, "Фарзандлар ота-оналарининг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар..."**, деб белгиланади, демак тарихнинг гувоҳлигига кўра инсон ҳуқуқлари тушунчаси бизнинг заминимизда асрлар оша яшаб, мустабид тузум даврида халқимизнинг армони бўлиб келган. Буюк Амир Темур даврида “Ҳақгўй бўлсанг нажот топасан”, “Куч – адолатдадир” каби тамойиллар жамият бошқарувида алоҳида аҳамият касб этган бўлса-да, бугунги кунга келиб ҳам ўзининг маъносини йўқотгани йўқ.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан: “Халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиши лозим, зеро, мустақиллик сўзининг замирида ҳам катта улуг ҳуқуққа эга бўлиш деган тушунча ётади”², деб таъриф берилганлиги бежиз эмас. Ҳар бир халқнинг мустақиллиги, аввалом бор, унинг ҳуқуқлари замирида намоён бўлади. Ушбу ҳуқуқни англаш ҳар бир фуқаронинг масъулияти ҳисобланади. Мазкур сўзлар мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида айтилган бўлса-да, бугунги кунда ҳам ўзининг аҳамиятини йўқотгани йўқ.

2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида давлатимиз раҳбари “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да фуқаролик жамиятини ривожлантиришда келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни белгилаб берар экан, “Жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқ”³ эканлигини таъкидлайдилар. Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги бош мақсадимиз — инсонпарвар,

² Каримов И.А. “Юксак ҳуқуқий тафаккур – демократик жамият тақозоси. 6-том, Т.: “Ўзбекистон”, 1998, 22-б.

³ Каримов И.А. “Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир”. 19-том, Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2011, 68-б.

демократик ҳуқуқий давлат қуришдир. Бу буюк мақсад йўлида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий-маданий ва ҳуқуқий соҳаларда улкан тарихий ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ислоҳотлар самараси, янги ланишлар суръати ва тараққиёти, фуқароларнинг нечоғлик даражада бу жараёнларнинг моҳиятини чуқурроқ англаб, унинг фаол иштирокчисига айланиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб республикаимиз ўз тараққиёт йўлини белгилаб олар экан, халқимизнинг хоҳиш-иродаси, асрий орзу-интилишларига таянган ҳолда, ўз умрини ўтаб бўлган мустабид, маъмурий-бўйруқбозлик, режали-тақсимот тизимидан воз кечиб, унинг ўрнида эркин бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий давлат, демократик жамият қуришни мақсад қилиб қўйди.

Давлатимиз раҳбари томонидан ушбу мақсадни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этиши назарда тутилган, дунёда “Ўзбек модели” деб ном олган тараққиёт модели ишлаб чиқилди. Унга кўра, иқтисодиётнинг сиёсатдан холи эканлиги, давлатнинг бош ислоҳотчи бўлиши, қонун устуворлиги, кучли ижтимоий сиёсатнинг ўрнатилиши, ислоҳотларни тадрижий асосда босқичма-босқич амалга ошириш принциплари белгилаб берилди.

Ушбу тамойилга асосланган ҳолда Қонуннинг устувор бўлиши давлат сиёсати даражасига кўтарилар экан, барча соҳаларда давлат бош ислоҳотчиликни ўз қўлига олгани каби, мазкур соҳани ривожланиши учун ҳам қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилди ва тадбирлар ташкил қилди. Жумладан: Президентимизнинг 1997 йил 25 июндаги "Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида"ги Фармони, 1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури", Президентимиз Ислон Каримовнинг 2001 йил 4 январдаги Ф-1322 сонли "Ўзбекистон Республикаси

Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги Фармойиши ва ушбу ҳужжатларни ижросини таъминлашга қаратилган бошқа ҳужжатлар фикримизнинг далилидир.

Давлатимизнинг мазкур сиёсатни амалга оширишда, яъни ўқувчи-ёшларга ҳуқуқий таълим бериш, уларда миллий ҳуқуқ тизими тўғрисидаги тасаввурларни уйғотиш, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонун устуворлигини англаш, ҳуқуқий давлат ҳамда фуқаролик жамиятини юзага келтиришда таълим муассасаларининг ҳамда педагогларнинг ўрни алоҳида мазмун касб этади.

Таълим муассасаларида амалга оширилиши кўзда тутилган ҳуқуқий таълимнинг асосий мақсади айнан бир вазифага, ўқувчиларга ҳуқуқий билимлар бериш билан баробарида, уларнинг қонун ва қоидаларга итоаткорлик билан кўникма ва малакаларини шакллантиришга қаратилиши лозим.

Бу ўринда ҳар бир ташкил этиладиган дарслар алоҳида тайёргарликни талаб этади. Ҳар бир дарсга алоҳида ёндошган ҳолда, ўқувчиларга таълим-тарбия беришнинг илғор усулларида фойдаланиб, ҳуқуқий таълимни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Бугун биз ахборот технологиялари асрида яшаймиз. Президентимиз таъбири билан айтганда *“Бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга.”*⁴ Ваҳоланки ҳар бир хонадонга турли функцияларни амалга оширувчи мобиль телефонлари кириб келмоқда. Дунёни истаган бурчаги билан алоқага чиқиш имкониятлари мавжуд. Ҳозирги кунда турли ахборотларни излаб топиш ва уни тасарруф этиш имкониятлари кенгайиб бормоқда. Айнан мана шу даврда ўқувчиларнинг ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, уларни турли оқимлардан ҳимоя қилиш, интернет орқали кириб келяётган турли хил ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш куннинг асосий вазифаси сифатида намоён бўлмоқда.

Очиғини айтадиган бўлсак, ўқувчилар учун зерикарли дарсда ўтиргандан кўра, Facebook, Google web адресидаги маълумотлар базасига кириш ёки синфдошлар интентет тармоғида ўтиришни афзал кўрадилар. Демак, ўқувчиларни дарсларга қизиқишларини орттириш, шу билан бирга давлатимиз томонидан таълим тизими олдига қўйилаётган талабларни

⁴ Каримов Ислон Абдуғаниевич: Юсак маънавият- енгилмас куч. Т.: “Маънавият” 2011 й. 113 бет.

бажариш мақсадида таълимга янги педагогик технологияларни қўллаш орқали уларнинг таълимга бўлган қизиқишларни орттириб бориш керак.

Педагогика касбига эндигина қадам қўйган ҳамкасбларимиз “хўш технология ўзи нима?” деган савол беришлари табиий. Технология сўзига бир қанча таърифлар берилган, улардан қуйидагиларни эслаб ўтишни жоиз деб топдик.

Технология бирор ишда, маҳоратда, санъатда қўлланиладиган усуллар ва йўллар йиғиндиси. Ишлов бериш, аҳволни ўзгартириш санъати, маҳорати, қобилиятлар ва методлар йиғиндиси.

Шу ўринда педагогик технология деганда нималар назарда тутилади? Шу ҳақида бир оз тўхталсак:

Педагогик технология – аниқ ишлаб чиқилган ва илмий лойиҳалаштирилган, босқичма-босқич амалга ошириладиган педагогик ҳаракатлар тизими.

- ✓ Педагогик жараёни амалиётга режали ва бир маромда татбиқ этиш тизими.
- ✓ Педагогик технология фан сифатида – педагогиканинг санъат, маҳорат даражасидаги соҳасини ўрганувчи фан.
- ✓ Педагогик технология – таълимни режалаштирадиган натижаларга эришиш жараёни ва тафсилоти.
- ✓ Педагогик технология – дидактик тизимнинг таркибий қисми.
- ✓ Педагогик технологиялар маълум бир концепцияга таянади. Педагогик технологиялар – ўқув-тарбия жараёни ва унинг қисмлари билан ўзаро боғлиқ бўлади. Самарадорлик, таълим стандартларининг бажарилишига хизмат қилади. Педагогик технологияларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири, уни бошқалар томонидан қайта амалга оширилиши мумкин бўлади.

Педагогик технологиянинг мақсади қуйидагилардан иборат:

- Баркамол инсонни шакллантириш ва ривожлантириш;
- жамиятда мустақил ва ҳур фикрли шахснинг шаклланишига хизмат қилади;
- ўзининг кадр-қимматини англайдиган, иродаси бақувват, иймони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонларни тарбиялаш;
- таълим-тарбия жараёни сифат-самарадорлигини ошириш ва ҳ.к;
- **ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯНИНГ ТАРКИБИ** ёш авлодга таълим-тарбия бериш, ахборотларни авлоддан-авлодга узатиш,

мустақил фикрлашга ўргатиш, билим, кўникма, малакаларни ўргатиш ва ўзлаштирилишига эришиш, турли методикаларни қўллаш ва такомиллаштиришни ўз ичига олади.

ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР инсонпарварлик, демократик, дўстона муҳит, ўзаро ҳурмат, ҳамкорлик ва ғамхўрлик, қўллаб-қувватлаш тамойилига амал қилади.

- Ҳар бир фаннинг мақсад ва вазифаларига мос бўлган педагогик технологиялар ва интерфаол методларни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бу жараёнда асосан ўқитувчи, ўқувчи ва таълим воситалари иштирок этади.

Педагогик технологияларнинг таркиби:

- ✓ эҳтиёжни аниқлаш;
- ✓ мақсадга эришиш йўллари (муаммолар ечимини топиш) аниқлаш;
- ✓ таълим-тарбияни ривожлантириш;

Педагогик технология ва методика ўртасида қуйидагича фарқ мавжуд:

Педагогик технология таълим шакллари, усуллари, услубий тизимлари хусусий методикалар кўринишида ҳосил бўлган бўлиб, улар такомиллашиб бориши жараёнида технологияга ўсиб ўтади.

Методика бирор-бир ишни мақсадга мувофиқ ўтказиш методлари.

Азиз касбдошим! Қуйида ҳуқуқий таълим-тарбияни амалга ошириш борасида дарсга тайёргарлик кўриш ва дарс жараёнида нималарга эътибор қаратиш лозимлиги ҳақидаги тавсияларни таклиф этмоқдамиз. Мазкур таклифларимизни ижодий бойитган ҳолда қабул қилишингизни сўраймиз.

Ўқитувчи дарсга тайёргарлик жараёнида мавзу юзасидан қуйидаги таянч конспектни тузиб олиши лозим.

Таклиф қилинган таянч конспект анъанавий дарс режасини тузишдан бир оз фарқ қилади.

Таянч конспекти саволларини ўқитувчи компьютерга киритиб қўйса, вақтдан унумли фойдаланади.

Умумий мазмунга эга бўлган саволлар:	саволлар
• Савол тўлиқ жавобни талаб қилмайди, мавзунини ўрганишга ёрдам беради. • Танланган саволлар бир нечта фан-	1.

ларга алоқадор бўлиб, фанлараро боғлиқликни шакллантиришга ёрдам беради. • Ўқувчиларни мустақил фикрлашга йўналтиради. • Ҳар бир ўқувчига тушунарли, раван ҳамда дўстона руҳда баён қилинади. • Ўқувчиларнинг билимида мавжуд бўлган эҳтиёжларни ҳамда уларнинг қизиқишларини аниқлашга имконият беради.	2.
	3.
	4.
<i>Мазмунга алоқадор ва ўзида маълум бир муаммони акс эттирган савол:</i>	
• Битта аниқ жавобга эга бўлмайди. • Бир нечта тўғри ва бир-бирига номутаносиб жавоблар ҳам бўлиши мумкин. • Саволлар ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ бўлади. • Ўқувчиларни ўйлаб кўришга йўналтиради. • Давлат таълим стандартларида белгиланган кўникма ва малакаларни шакллантиришга хизмат қилади. • Ўрганилаётган мавзунинг асосини ташкил қилади.	1.
	2.
	3.
	4.
<i>Жавоби аниқ бир йўналишга қаратилган савол.</i>	
• Жавоби аниқ бўлади. • Мавзуга оид асосий тушунчаларни ўзида мужассамлаштиради. • Давлат таълим стандартларида белгиланган билимларни эгаллашга йўналтиради.	1.
	2.
	3.
<i>Мавзу бўйича Давлат таълим стандартларининг талаблари</i>	
• Билим • Кўникма • Малака	
<i>Ўқув мақсади</i>	
• Мақсад аниқ белгиланади. • Ўқувчилар нафақат бирор бир вазифани бажаришлари, балки нимани ўрганишлари белгиланади. • Мавзуни тарбиявий мақсади аниқ кўрсатилади. • Таълимнинг қайси томонларини ривожлантириб бориш кераклиги баён этилади.	
<i>Мавзуни мустаҳкамлаш учун топшириқлар</i>	

• Мавзуга оид қонун ҳужжатларидан намуналарнинг мазмунини ўрганиш; • Тест топшириқлари; • Бошқотирмалар; • Цитаталар; • Казуслар	
Ўқувчилар фаолиятини баҳолаш (берилган топшириқ мазмунидан келиб чиқади)	
Берилган топшириқни бажаришда: • Фикрини аниқ ва тўғри ифодалай олиш; • Мавзунини ҳаётий мисоллар билан боғлаш; • Назариялар ёки қонуниятлар асосида тушунтириш; • Мавжуд қонунлар билан боғлай олиш; • Тестларни тўғри ишлаш ва ҳ.к.	
Уйга вазифа	
• Мавзу юзасидан берилган топшириқларни бажариш; • Келгуси мавзу юзасидан маълумотлар базасини шакллантириш ва ҳ.к.	

Юқоридаги жадвалдан келиб чиқиб дарс жараёнини қуйидаги қисмларга бўлиш мумкин.

<i>I. Босқич:</i>	<i>II. Босқич:</i>	<i>III. Босқич:</i>	<i>IV. Босқич:</i>
<i>Эҳтиёжни аниқлаш</i>	<i>Эҳтиёжни тўлдириш</i>	<i>Мавзунини мустаҳкамлаш</i>	<i>Ўқувчиларни билимини баҳолаш, рағбатлантириш</i>
<i>Ўқувчиларни фаоллаштириш</i>	<i>Назария ёки қоидалар билан ишлаш</i>	<i>Ўқувчиларни мустақил ишлашга ўргатиш</i>	<i>Якуний хулоса чиқариш</i>
<i>Муаммони аниқлаш</i>	<i>Қоида ёки назарияни нима учун қабул қилинганлигини аниқлаш (амалиёт билан боғлаш)</i>	<i>Уйга вазифа</i>	

Даставвал, ўқитувчи мавзу юзасидан ўқувчилардаги мавжуд маълумотларни аниқлайди, ўқувчиларни фаоллаштиради, муаммони аниқлайди, шу мақсадга йўналтирилган саволлар базасини шакллантирилади.

Саволлар қуйидаги мазмунга эга бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Умумий мазмунга эга бўлган саволлар: Ўқувчиларни бир қанча фанлардан эгаллаган билим, кўникма ва малакалари асосида кенг доирада фикрлашга йўналтиради.

Мазмунга алоқадор ва ўзида маълум бир муаммони акс эттирган саволлар: Ўқувчилардаги мавзуга оид мавжуд бўлган кўникма ва малакаларини ривожланишига ёрдам беради.

Жавоби аниқ бир йўналишга қаратилган саволлар: Жавоби аниқ бўлади, бирор бир мавзу асосида аниқ бир маълумот сўралади.
Масалан:

намуна

<i>Умумий мазмунга эга бўлган савол.</i>	<i>Ўзида маълум бир муаммони акс эттирган савол.</i>	<i>Жавоби аниқ бир йўналишга қаратилган савол.</i>
Нима учун инсонларнинг ахлоқи бир хил эмас?	Қонунлар инсон ҳаётида қандай ўрин тутаети, уларни мажбурий бўлиши шартми?	Аҳолини ҳуқуқий маданиятни оширишга қаратилган қандай қонунларни биласиз?
Оила нима учун, Ватан ичидаги кичик Ватан, деб аталади?	Сиз оилангиздаги мавжуд тартиб-қоидаларни буздингиз, масалан: кеч соат 20.00 дан сўнг ўртоғингиз билан кўчада гаплашиб қолиб кетдингиз? Бунга ота-онангизни ёки катталарни сизга муносабати қандай бўлади?	Ахлоқ олдин пайдо бўлганми, ҳуқуқми?

Мазкур саволлар жадвалини мавзунини қўйилишига қараб давом эттириш мумкин.

Саволларни бундай шакллантирилиши қуйидаги омилларга сабаб бўлади.

- ✓ Ўқувчи дарсдан зерикмайди.
- ✓ Ўқувчининг онгида ҳаётнинг кузатишлари натижасида мавжуд бўлган маълумотлар асосида мавзунинг асосий маъни очиқ берилади.
- ✓ Ўқувчилар томонидан ҳуқуқий қонуниятларнинг ишлаб чиқилиши, уларни ҳуқуқий маданиятларини шаклланишига, қонунга итоаткорлик билан кўникма ва малакаларини ривожлантиришига йўналтиради.
- ✓ Ўқувчини тўғри фикрлашга ва ўз фикрини аниқ ифодалашга имконият беради.
- ✓ Ўқувчиларни ўзларида бўлган ишончини кучайтиради.
- ✓ Мавзунини ёд олиш йўли билан эмас, амалиёт билан боғлаш орқали тушуниб олишга имконият беради.
- ✓ Синфда ўзаро ҳамкорлик юзага келади, натижада дўстона муҳитни шаклланишига замин яратилади.

Ўқувчиларни гуруҳларда ишлашларини тўғри ташкил қилиш ҳам кутилаётган натижага эришиш имкониятларидан биридир.

Гуруҳларда ишни ташкил қилишда нимадан бошлаш керак? деган савол ёш педагогларни ўйлантириши аниқ.

Биринчи навбатда, мавзунини тўғри танлаш, яъни гуруҳларда ишлаш фаолиятини кенгайтириш мақсадида дарсликнинг бирор боби, бўлими, каттароқ қисмини тугатилганида ташкил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда ўтилган мавзулар такрорланади, мустаҳкамланади ҳамда уларнинг бир-бири билан алоқадорлиги исботланади.

Гуруҳларда ишлаш учун саволларни тузиш. Саволларни шундай шакллантириш керакки, барча гуруҳларнинг жавоблари асосида ўтилган боб юзасидан якуний хулоса чиқариш мумкин бўлсин.

Гуруҳлар фаоллигини ошириш. Мазкур жараёни амалга ошириш учун гуруҳда ишлайдиган барча ўқувчиларни берилган топшириқни бажариш мезонлари билан таништириш лозим. Яъни топшириқни қандай бажариш лозимлиги гуруҳларга тақдим қилиш керак. Мисол учун, топшириқ “Давлат” ёки “Ўзбекистон Республикаси ҳақида

маълумот беринг” деб номланса, ўқувчилар ушбу топшириқ юзасидан турли маълумотларни тақдим қиладилар. Бу билан олдинга қўйилаётган мақсадга эришиб бўлмайди. Ваҳоланки, топшириқ мезони шундай бўлиши керакки, ўқувчиларга тушунарли, аниқ, маълум бир вазифани бажаришга йўналтирилиши ва ҳар бир ўқувчи маълум бир шартни бажариши лозим. Барча гуруҳ иштирокчиларининг бажарган топшириқлари асосида гуруҳ учун берилган ягона топшириқнинг ижроси ҳосил бўлиши керак. Масалан: битта катта гуруҳда 10 нафар ўқувчи фаолият кўрсатаётган бўлса, қуйидаги топшириқни бериш мумкин.

Бирлашган Араб Амирликлари.

1	Қачон ташкил топган
2	Географик жойлашуви
3	Худуди
4	Аҳолиси
5	Давлат бошқарув шакли
6	Давлат тузилиши
7	Байроғи
8	Асосий қонуни
9	Пул бирлиги
10	Ўзига ҳослиги

Ҳар бир ўқувчи мазкур давлат ҳақида бирор бир маълумотни топишга ҳаракат қилади. Ўқувчи ўзига берилган масъулиятни хис қилади. Агар мазкур дарс компьютер хонасида ташкил қилинса, бу ўқувчилар имкониятни янада кенгайтиради.

Дарс бошланишидан олдин ўқитувчи ўқувчиларни мавзу билан таништиришда компьютер имкониятларидан фойдаланган ҳолда тақдимот қилади. Тақадимот слайд кўринишида 3-4 саҳифадан ошиб кетмаслиги лозим. Акс ҳолда ўқувчиларни чалғитиши ҳамда вақт самарадорлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Ўқувчиларимизга эътибор билан қарасак, уларнинг ҳар бири алоҳида олам, уларнинг ҳар бири ўзига хос психологияга, дунёқарашга ва физиологияга эга. Ушбу ўзига хосликдан келиб чиққан ҳолда уларнинг янги ахборотларни қабул қилишлари, ахборотни қайта ишлашлари ва уни амалиётга татбиқ этишлари ҳам турличадир. Шу сабабдан педагоглар ўртасида “аълочи ўқувчи”, “ўртача ўзлаштирадиган ўқувчи”, “бўш ўзлаштирадиган ўқувчи” деган тушунча ва атамалар мавжуд. Энди бирор бир топшириқни бажаришлари ва унинг замирида маълум бир билим, кўникма ва малакага эга бўлишларига ёрдам берувчи табақалаштирилган топшириқларни ишлаб чиқиш самара беради. Тест топшириқларини тузишда ҳам ўқитувчилар оғирлик даражаси турли бўлган саволлардан фойдаланишлари лозим. Масалан, оғирлик даражаси мураккаб бўлмаган тест топшириғи.

Бу асосан шаблондан иборат бўлиб, ўқувчи тўғри жавобни қўйиш орқали тестни еча олади.

1) ... – муайян ҳудудда яшовчи, ўз эҳтиёжлари ва манфаатларига кўра маълум тарзда бирлашган кишларнинг жамоаси.

А) давлат Б) жамият С) халқ Д) ҳуқуқ

Оғирлик даражаси мураккаброқ бўлган тест топшириғи.

Қуйидаги берилган

- “давлат функцияси”.

- “сиёсий тартибот”.

- “жамият”

тушунчаларига тартиб билан берилган таърифларни жойлаштиринг.

1. Унинг маъмурий-ҳудудий ташкил этилишидир.

2. Давлат фаолиятнинг асосий йўналишлари бўлиб, уларда давлатнинг ижтимоий жиҳатлари рўёбга чиқарилади.
 3. Жамиятни бошқариш халқ манфаатларини ҳимоя қилишни амалга оширадиган давлат органларининг яхлит тизими.
 4. Муайян ҳудудда яшовчи, ўз эҳтиёжи ва манфаатларига кўра бирлашган тарзда ташкил топган жамоа.
 5. Давлат ҳокимиятни амалга ошириш усуллари ва услублари.
- А) 2, 5, 4 Б) 1.2.5 С) 2.1.3. Д) 5.3.4

Ўқитувчи вақтдан унумли фойдаланиши учун тест топшириқларини қуйидагича шакллантириши ҳам мумкин.

1	Жамиятнинг асосий бўғини	a	Сиёсий партиялар, қасаба уюшмалари, фахрийлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар;
2	Жамоат бирлашмаларининг қандай шакллари мавжуд?	b	оила
3	Муайян ҳудудда яшовчи, ўз эҳтиёжи ва манфаатларига кўра бирлашган, кишилар-нинг маълум бир тарзда ташкил топган жамоаси қандай аталади?	c	ибтидоий жамоа
4	жамият	d	жамият
5	Кишилиқ жамиятининг илк босқичи	e	... одамларнинг ижтимоий қонунлар устувор бўлган, юксак шаклланган муштарак бирлигидир.

Топпшириқ. Ушбу тестда 5 та савол бўлиб, ҳар бирининг 5 тадан жавоб варианти бор. Ўқувчилар берилган саволларни тўғри, ўрнига қўйиб дафтарларига кўчиришлари ҳам мумкин, ўқитувчига оғзаки тарзда жавоб беришлари ҳам мумкин.

Масалан: дафтарга кўчирганда савол ва жавоб тўлиқ кўчирилади.

1. Жамиятнинг асосий бўғини – оила.

Ўқитувчига ёзма жавоб беришда вақтдан ютиши учун қуйидагича жавоб таклиф этилади.

1-в; 2-а; 3-д; 4-е; 5-с:

Ўқитувчилар ўқувчиларни билимини мустаҳкамлаш мақсадида мазкур усулдан фойдаланишларини таклиф этамиз. Биз бу усулни шартли равишда 5х5 усули деб номладик. Ушбу усулни афзаллиги, ўқувчиларни тезда жавоб беришга ўргатади. Вақтни ҳамда қоғозни тежайди. Ҳар бир дарс учун жавобларни ўрнини алмаштириб ёки бошқа саволлар билан тўлдириб бориш орқали ўқувчилар учун етарли бўлган тест вариантларини тайёрлаш мумкин. Бунда ўқувчиларнинг билимларини индивидуал баҳолашга эришиш мумкин.

Ўқувчиларни билимларини баҳолаш жараёнида улар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, синфда белгиланган тартиб-қоидаларга риоя қилганликларига, дарсда фаол иштирок этганликларига эътибор бериши ҳамда билим даражаларини белгилаши керак. Бунинг учун ўқувчиларга топшириқ бериш жараёнида топшириқни бажариш билан ва мазкур топшириққа неча балл қўйилиши лозимлиги билан ўқувчиларни танитириш керак. Демак, ҳар бир топшириқни баҳолаш мезони бўлиши керак. Масалан, ўқитувчи ўқувчиларга Ўзбекистон Республикаси Конституциясидаги бирор қонун мазмунини тушунтириб беришини сўраса, унда қуйидаги баҳолаш мезонини таклиф қилиши лозим. Топшириқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 1-моддасини диққат билан ўқинг ва уни берилган тартиб асосида шарҳлашга ҳаракат қилинг.

Ўзбекистон – суверен демократик республика. Давлатнинг “Ўзбекистон Республикаси” ва “Ўзбекистон” деган номлари бир маънони англатади.

Ўқувчи берилган топшириқни бажаришда қуйидаги тартибга эътибор қаратиши лозим бўлади. Ҳар бир тўғри жавоб учун ўқувчи 1 баллни қўлга киритади.

1. Берилган қондани тарихий шарҳлаш ва фикрни мисоллар билан тўлдириш. (1 балл)
2. Берилган қоида конституциянинг қайси бобига тегишли эканлигини тўғри кўрсатиш. (1 балл)
3. Берилган қонданинг аҳамиятини ёритиш ҳамда мавзу билан боғлаш.
4. Ушбу қондани инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги аҳамиятини ёритиш. (1 балл)
5. Қоидада берилган “суверен”, “демократик”, “республика” сўзларининг луғавий маъносини бериш. (1 балл)

Амир Темурининг қуйидаги ўғитларини шарҳлашга ҳаракат қилинг.

“Давлат ишларининг 9 улуши кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улуши эса қилич билан бажо келтирилишини англадим”.

1. “Кенгаш”, “тадбир”, “машварат” каби сўзларнинг луғавий маъносини бериш.
2. Бугунги кундаги сиёсат билан боғлаш.
3. Амир Темури ушбу ўғитларини кимларга ва қаерда айтган.
4. Бирор бир ишни амалга оширишда “Кенгаш”, “тадбир”, “машварат” қандай ўрин тутади?
5. Сиз бирор бир ишни амалга оширишда кимларнинг маслаҳатини олган бўлардингиз? Нима учун?

“А” исмли бола 4-мактабнинг 9-синфида ўқир эди. Мактабда ташкил қилинган тадбирда у “Шум бола” ролини ўйнади. Тадбир тугагач, синфдош ўртоқлари “Н” ва “Д” уни масҳара қилиб устидан кулишди. “А”нинг жаҳли чиқиб, қўлида турган темир золдир (темирдан ясалган думалоқ шар)ни “Н”га қараб улоқтирди. Золдир “Н”нинг бошига тегди ва шикастлади.

Берилган топшириқни бажаришда ўқувчига қуйидаги вазифаларни бажариш кўйилади.

1. Берилган вазиятнинг субъектини кўрсатиш. (1 балл)
2. Вазиятни субъектив томонини кўрсатиш. (1 балл)
3. Вазиятнинг объектини кўрсатиш. (1 балл)
4. Объектив томонини кўрсатиш. (1 балл)
5. Ҳуқуқбузарлик белгилари бўлса, уларни санаб бериш. (1 балл)

Давлат деб нимага айтилади?

1. Назарияга таъриф бериш. (1 балл)
2. Давлатга хос белгиларини санаб бериш. (1 балл)
3. Дастлабки давлатлар қаерларда ва қачондан бошлаб пайдо бўлганлигини айтиб бериш. (1 балл)

Шунингдек, фикрингизни яна бир асосий йўналишга қаратмоқчиман. Синфдаги барча ўқувчиларнинг қизиқишлари бир хил эмас. Шунини эътиборга олиб, ўқувчиларни ҳуқуқ фанига қизиқишларини уйғотиш учун уларни “индивидуал қизиқишларини” эътиборга олган ҳолда топшириқ матнларини шакллантириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Масалан, ўғил болаларнинг аксарияти автомобиль ва у билан боғлиқ фаолиятга кўпроқ қизиқишади. Маъмурий ҳуқуқбузарлик юзасидан топшириқ беришга ҳаракат қилиб кўрамиз.

Топшириқнинг шартларини қуйидагича белгилаш мумкин.

Чорраҳани Сиз томондан қарагандаги кўчаси Зулфияхоним деб аталса, уни кесиб ўтувчи кўчани Шайхонтоҳур кўчаси деб атаймиз. Мазкур чорраҳада (Зулфияхоним кўчасида чорраҳадаги светафорга 40 метрлар етмасдан) МАТИЗ ва ЛАСЕТТИ автомобиллари тўқнашиб кетди. МАТИЗ автомобили сиз томондан ҳаракатланаётган эди. Унинг ҳаракат тезлиги 30 км/с, ЛАСЕТТИ автомобили сиз томондан қараганда

МАТИЗ автомобилига қариш томондан 50 км/с тезликда ҳаракатланаётган эди. Сиз томондан ҳаракатланаётган МАТИЗ автомобили чапга бурилиши керак бўлган. Йўлнинг кенглиги 32,7 метрни ташкил қилади. МАТИЗ автомобилнинг тўхтаган жойи орқа гилдираклари йўлнинг ўнг томонидан 17,8 м, ЛАСЕТТИ автомобилнинг урилганидан сўнг тўхтаб қолган жойида орқа гилдираклари сиз томондан қараганда йўлнинг ўнг томони (ўзининг йўналиши бўйича чап томони)дан 13,5 метрли масофани ташкил қилади. Тормоз излари мавжуд эмас. МАТИЗ автомобилнинг олди банферининг ўнг бурчаги, ЛАСЕТТИ автомобилнинг олди бамферининг ўнг бурчаги билан тўқнашган. Изоҳ. МАТИЗ автомобили ҳайдовчисининг тушунтиришига кўра, у афтомашинани тўқнашувдан олиб қочиш учун ўз йўналиши бўйича ўнгдан чапга ҳаракатлантирган.

1. Йўл ҳаракати ҳодисаси содир бўлган жойни чизмасини чизишга ҳаракат қилинг
2. Машиналарнинг оғирлиги ва тезлигини аниқланг.
3. Асфалтни ишқалиниш кайфицентини аниқланг ҳамда автомашиналар урилганидан сўнг уларнинг тезлиги қанча бўлган?
4. Қанча куч билан тўқнашган? Автомобилларнинг оғирлигини аниқланг.
5. Автомобиллар тўқнашганидан сўнг ўз жойида қолганми ёки бир-бирини суриб юборганми?
6. Ушбу йўл ҳаракати ҳодисаси қайси ҳуқуқбузарлик турига киради?
7. Йўл ҳаракати қондасининг қайси бандлари бузилган?
8. Фикрингизни асосланг.
9. Йўл ҳаракати ҳодисаси қайси автомашинанинг йўлида бўлган?
10. Сиз нима деб ўйлайсиз, ушбу ҳодисани олдини олиш мумкинмиди?

Ушбу топшириқни гуруҳларда ишлаш жараёнида ҳам берса бўлади. Мазкур топшириқ юзасидан ўқувчилар 7-синф Физика дарсидан олган билимлари асосида жавоб беришга ҳаракат қилиб кўрадилар. Ушбу усулдаги топшириқни аввал уй вазифаси сифатида бериб, кейин гуруҳларда муҳокамага қўйилса, ўқитувчи мақсадга эришган бўлади.

Ҳуқуқий таълим дарслари ўқувчиларни жадал сураатлар билан ўзгариб бораётган дунёнинг тезлиги темпига мослашишда, жамиятда ўрнатилган одоб-ахлоқ қоидаларини бузмасдан ўз ўрнини топшига хизмат қилиши лозим. Демак ҳуқуқий таълим дарслари ўқувчиларга ҳуқуқий билимлар берибгина қолмай балки уларда ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга хизмат қилиши лозим. Ҳуқуқий таълимнинг назарий асосларига таяниб, ижтимоий турмушга тадбиқ эта олишлари назарда тутилади.